


**“Тасдиқлайман”**

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи  О.Т.Хамраев

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг йиғилиш  
**БАЁНИ № 4**

2017 йил 14 апрел

11:00

Бухоро шаҳри

*Йиғилиш раиси:*

*О.Хамраев – Марказнинг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи*

*Қатнашдилар:*

*Ж.Ахмедов – Марказнинг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

*Н.Баротова- 1-тоифали иш юритувчи котиба  
(0,5 ставка)*

*С.Ахмедова - 1-тоифали иш юритувчи котиба  
(0,5 ставка)*

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-418-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан маърузачи бошқарма бошлиғи О.Хамраев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-418-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти тўғрисида куйидагиларни гапириб ўтди.

Маълумки, республикада тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир ҳукуматимиз томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.05.2015 йилдаги ПФ-4725-сонли, 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сонли Фармонлари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2016 йилда ЎРҚ-418-сонли Қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.05.2015 йилдаги ПФ-4725-сонли ва 05.10.2016 йилдаги ПФ-4848-сонли Фармонларида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларни бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасига ошириш хусусий мулк, хусусийкичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йулидаги тўсиқларни бартараф этиш, текширишлар сонини камайтириш, шу жумладан режадан ташқари текширишларнинг камайтириш асосий йуналишларидан бири сифатида белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли Фармони ва “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан назорат қилувчи органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида режали текшириш ўтказиш муддати 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб 10 календар кундан ошмаслик лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, 29.19.2016 йилда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-418-сон Қонуни қабул қилинганлиги, Қонунда Ўзбекистон Республикасининг 5 та кодекси 8 та қонунларига, шу жумладан текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби буйича бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 45,178,180,181,181<sup>1</sup>,189 ва 190-моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, унга кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно, жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда яширилган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ихтиёрий равишда ўтказилишини таъминлаган бўлса, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, савдо ёки хизмат кўрсатиш коидалари бузилишининг оқибатларни бартараф этиш ва етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса жавобгарликдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси янги “22<sup>1</sup>-боб. Тафтиш” боб билан тўлдирилди, унда қўзғатилган жиноят иши доирасида тафтиш тайинлаш учун асослар, тафтишни тайинлаш, тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар, тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш шартлари, тафтиш ўтказиш тартиби, айрим ҳолларда тафтиш ўтказиш тартиби, тафтиш ўтказиш муддатлари тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома, қўшимча ёки қайта тафтиш, текширилаётган субъект мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилганлигини таъкидлаб ўтди.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ йиғилиш

#### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. 2016 йил 29 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик

муҳитини сифат жихатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлаги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги ЎРҚ-418- сонли Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бошқарманинг 1-тоифали иш юритувчи котибаси Н.Баротовага ушбу баён билан бошқарма ходимларини таништириш топширилсин.

Йиғилиш котиби:



Н.Баротова

